

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ**

ХУШВАҚОВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Андижон вилояти мисолида)**

**22.00.02 – «Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва
турмуш тарзи»**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ**

ХУШВАҚОВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Андижон вилояти мисолида)

**22.00.02 – «Ижтимоий тузилми, ижтимоий институтлар ва
турмуш тарзи»**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
sociological sciences**

Хушвақова Наргиза Абдуллаевна Оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари (Андижон вилояти мисолида).	3
Хушвақова Наргиза Абдуллаевна Пути совершенствования системы социального обслуживания семей (на примере Андижанской области).....	27
Xushvakova Nargiza Abdullaevna Ways to improve the system of social services for families (On the example of Andijan region)	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ**

ХУШВАҚОВА НАРГИЗА АБДУЛЛАЕВНА

**ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Андижон вилояти мисолида)**

**22.00.02 – «Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва
турмуш тарзи»**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2020.2.1.PHD/S68 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Анджон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.moiti.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Абсалом Адилевич
социология фанлари доктори, профессор

Хусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот


Фарғона давлат университети

Диссертация химояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти хузуридаги Илмий
даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17 декабрь»
куни соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани,
Истиклол кўчаси 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail: mvaoit@gmail.com.

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин. (11 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,
Яшнабод тумани, Истиклол кўчаси 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail:
mvaoit@exat.uz, mvaoit@gmail.com.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» ____ кунни тарқатилади.

(2022 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)



Н.М.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, педагогика фанлари
доктори, профессор

Х.У.Абдусаматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, психология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, социология фанлари номзоди,
доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг 47,0 фоизи ижтимоий хизматнинг муайян туридан фойдаланади, шу билан бирга, 53 фоиз (4,1 млрд киши) киши ўзларининг миллий ижтимоий ҳимоя тизимларида даромад кафолатига эга эмас¹. Оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг устувор йўналишлардан бири саналади. Оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, аҳолининг заиф ва кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли манфаатларининг устуворлиги, ижтимоий сиёсатнинг кенг қамровлилиги ҳамда ижтимоий таъминотнинг кўлами масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада ижтимоий хизмат турлари, ижтимоий таъминот, ижтимоий кўмак, сугурта турлари, аҳоли ва оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш усуллари, ўзаро ёрдам, оиладаги муносабатлар, оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаблари ва оқибатларини микро ва макро даражада ўрганиш, оила бюджети, ижтимоий ҳимоя моделини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, оилалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда комплекс ёндашув, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий хизматга муҳтож оилаларга сифатли ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича тадқиқот олиб бориш зарурати илгари сурилмоқда.

Янги Ўзбекистонда оила барқарорлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги ажрашишлар сонини камайтириш, оилани ижтимоий ҳимоялаш имконини берадиган кўплаб ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. «Инсон қадр деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз»². Оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси ва ривожланиш йўналишлари, ижтимоий хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этиш сифатини ошириш масалаларини социологик тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан

¹ https://www.ilo.org/global/publications/books/WCMS_817572/lang--ru/index.htm

² Шавкат Мирзиёев: Ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. https://uz.uz/posts/shavkat-mirziyoyev-hamma-islolotlarni-hamma-harakatlarni-zhamiyat-bilan-birga-qilamiz_3408507q

ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 29 июндаги ПҚ-300-сон «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийтни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг дастлабки анъанавий шакллари, оила институти, оилавий муносабатлар, ижтимоий ҳимоя ва унинг механизмларини тадқиқ этиш анча илгари бошланган.

Оиланинг жамиятнинг муҳим бўлаги эканлигини эътироф этган ҳолда унинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва фаровонлигини таъминлаш муҳимлиги қадимги битикларда ҳам эътироф этилган. Шарқнинг буюк алломаларидан Абу Наср Фаробий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий³, кейинчалик ўрта асрларда Навоий, Бобур, Муқимий, Завқий⁴ ҳамда жадидчилик даврида Абдулло Авлоний, Абдурауф Фитрат каби қўллаб олимлар⁵ жамиятдаги инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари, оилавий муносабатлар, оилавий тарбия, жамоадагиларнинг ўзаро ёрдам ва кўмак масалалари юзасидан ўз асарларида фикрларини қолдириб кетишган.

Хорижий олимларнинг тадқиқотларида ижтимоий хизматлар тўғрисидаги илмий назариялар кузатилади. Бу борада О.Конт оилани жамиятнинг бирламчи асоси, инсоний муносабатларнинг табиий ҳосиласи сифатида ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўзида акс этишини эътироф этган⁶. Оила социологиясининг асосчиси француз тадқиқотчиси Фредерик Ле Плей ота ҳокимияти ҳамда анъанавий диний

³ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – 320 б.; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Валлийлар ҳаёт йўли. Сийрат ал-авлиё. – Тошкент: Ношир, 2016. – 232 б.; Абу Райхон Беруний, танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. – 458 б.; Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. – Тошкент: Мекнат, 1991. – 192 б.

⁴ Алишер Навоий. Ҳамса. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 486 б.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 704 б.; Муқимий. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 480 б.; Завқий. Танланган асарлар. – Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1950. – 112 б.

⁵ Абдулло Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – 97 б.; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5-жилд. Илмий рисоалар. – Тошкент: "Маънавият", 2010. – 304 б.

⁶ Реале Д., Алгисери Д. Западная философия от истоков до наших дней. — Т.4: От романтизма до наших дней. — СПб., 1997. — С. 191.

ахлоққа асосланган оилани ижтимоий ҳаётнинг асосий омили деб билган, оилалар типологiasини яратган, оила бюджети таҳлили усулидан фойдаланиб оилаларни таҳлил қилган. Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Р. Мертон, Т. Парсонс, Я. Щепанский⁷, М. Вебер, Дж.Г. Мид, Г. Блумер, П. Бергер, И. Гофман, Т. Лукман, А. Шюц, Н. Луман, П. Сорокин, Г. Зиммеллар бу борада оиланинг бутун бир тизим сифатида⁸, ижтимоий хизматлар тизимининг ривожланиши қонуният асосида амалга ошиши ва шу тариқа нодавлат секторининг институционалашуви рўй беришини, оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари микро ва макро даражада ўрганишган. МДХ олимларидан И.Кон, Н. Миклухо-Маклай, Б. Малиновский, Е.М. Марченко, И.Егорова, Г.Сайфутдиноваларнинг тадқиқотларида⁹ турли халқлар мисолида оиладаги тарбия, бола ижтимоийлашуви хусусиятларининг умумий жиҳатлари ўрганилган.

Мамлакатимиз оимлари В. Каримова, Г. Шоумаров, М. Бекмуродов, А. Холбеков, А. Умаров, Ш. Содикова, Э. Каримов, Т. Матибаев, Б. Фарфиев, Б.Н. Сирлиев¹⁰, М. Ганиева, А. Ваҳобов, Д. Раҳимова, А. Зиявуiddинова, М. Ҳақимова, Х. Дўстмухаммадлар¹¹ ишларида ўзаро оилавий муносабатлар,

⁷ Спенсер Г. Воспитание умственное, нравственное и физическое. Воспитание умственное, нравственное и физическое. – Санкт-Петербург: Типография Б.Г.Янгильского, 1877. – 366 стр.; Дюркгейм Эмиль. О разделении общественного труда. - М.: Канон, 1996. — 432 с.; Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - Москва, Хранитель, 2006. - 873 с.; Парсонс Т. О структуре социального действия. -М.: Академический Проект, 2000. - 880 с.; Щепанский Я. Элементарные понятия социологии. -М.: Прогресс, 1969.

⁸ Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма. — М., 2003. Мид Дж. Г. Избранное. - М., 2009. — 290 с.; Блумер, Г. Социальные проблемы как коллективное поведение. // Контексты современности-II: Актуальные проблемы общества и культуры в западной социальной теории: Хрестоматия. — Казань: Изд-во Каз. ун-та, 2001. - С. 150—159.; Бергер, П. Приглашение в социологию: гуманистическая перспектива. — М.: Аспект Пресс, 1996. — 168 с.; Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. -М.: Медиум, 1995. — 323 с.; Ковалев А.Д. «Социальная драматургия» Ирвинга Гофмана в контексте истории социологической мысли (к вопросу об американской версии социологического номинализма) // Новое и старое в теоретической социологии (Книга 2) / Под ред. Ю.Н. Давыдова. — М.: Изд-во Института социологии РАН, 2001. — Кн. 2. — С. 22—42. — 236 с.; Руткевич Е. Д. Лукман, Томас// Большая российская энциклопедия: электронная версия. — 2018.; Шюц Альфред. Смысловая структура повседневного мира: очерки по феноменологической социологии., М.: Институт Фонда «Общественное мнение», 2003, 336 с.

⁹ Кон И. Социология личности. -М.; 1967.; Миклухо-Маклай Н. Собрание сочинений в шести томах. Том 6. Часть 1. Этнографические коллекции. -М.; 1999.; Б.Малиновский. Избранное: диалектика культуры. - М.; 2015.; Марченко Е.М. Историческая эволюция института материнства у народов Северного Кавказа: вторая половина XIX века - 20-е гг. XX в.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук – Ставрополь, 2009; Егорова О.В. Этнография детства чувашей Волго-Уралья во второй половине XIX – первой трети XX вв.: традиционная родительная обрядность и социализация ребенка: Автореф. дис. ... док. ист. наук. –Чебоксары, 2010; Сайфутдинова Г.Б. Мир детства у татар: обряды и практики социализации: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Казань, 2011.

¹⁰ Каримова В.М.. Оила психологияси. –Т.: Фан ва технология. 2008. –170 б. Шоумаров Г.Б., З.А. Сулдова. Оила энциклопедияси. –Т.: 2016. – 416 б., Бекмуралов М. Замоначи бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2020. – 436 б.; Холбеков А.Ж. Бошқарув социологияси. – Тошкент: Академия, 2007. – 187 б.; Умаров А.А. Ижтимоий-маънавий тараққийнинг таъминлаш ва қоплаш инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц.фан.докт...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. 65 б.; Содикова Ш.М. Жамятини модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Соц. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 62 б.; Каримов Э. Ёшларда юксак мазнавийни шакллантиришнинг асосий оимлари. –Т.: Тафаккур, 2010. –192 б. Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. – Тошкент: “Akademija”, 2014. – 250 б.; Фарфиев Б.А. Ўзбекистон ижтимоий тараққийида ислом рационализи омили. Соц.фан.докт...дисс.автореф. – Тошкент, 2020. – 72 б.; Акрамова Ф.“Оилада шахслар муомалани таъминлаш психологияси”

¹¹ Ганиева М.Х., Каланова С. Ижтимоий соҳа ходимларининг касбий сўниш синдроми ва авлодларо

таълим-тарбия, ўсмир ёшларнинг жамиятга мослашувининг ижтимоий ва психологик жиҳатларига эътибор қаратилган. Мамлакатимзда ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва уларни аҳолининг турли қатламларига кўрсатиш масалалари томонидан тадқиқ қилинган.

Оилага кўрсатиладиган ижтимоий хизмат турларини янада такомиллаштириш масаласини махсус социологик ёндашув асосида ўрганиш зарурияти кун тартибига чиқмоқда. Юқоридаги ишларда айнан Ўзбекистонда оилани ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаганини кўриш мумкин. Бу эса диссертант томонидан мазкур мавзунинг тадқиқоти предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фаъна ва технологияларини ривожлантиришнинг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Оилаларга тизимли ижтимоий хизмат кўрсатишнинг аънавий ва институционал жиҳатларини социологик таҳлил қилиш орқали уни такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оила ва оилавий муносабатларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг тарихий зарурати, оила институти, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат соҳасидаги илмий социологик концепциялар, оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ва унинг турлари назарий-методологик асосларини тадқиқ қилиш;

хорижда оилага оид олиб борилаётган сиёсати ва турли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимлар, Ўзбекистонда оила институти ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш асослари, шунингдек, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя соҳасининг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг ишлаш тамойиллари, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда ўзгаришлар шароитида оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари ва усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси.

Тадқиқот предмети оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари ташкил этади.

зиддиятларни бартараф этиш методлари. Услубий қўлланма. – Тошкент: ЎЗМУ, 2016.; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003. Раҳимова Д. Давлат томонидан кучли ҳимоя тадбирларини қўлланиши. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №3, 40-41 бетлар; Зиявуiddинова А. Инвестиция в образование: международный опыт. //Экономический вестник Узбекистана, 1999 г., №4; Хакимова М.А. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Т.: 2000.; Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... дис. автореф. – Тошкент, 2012. – 23 б.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихийлик, анализ-синтез, қиёсий таҳлил, контент анализ, социологик сўров (интервью) усуллари қўлланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий хизмат муайян шароитлар ва сабаблар тўғрисида юзага келган ҳаётий вазиятни мустақил равишда енгишга қодир бўлмаган, ёрдамга муҳтож кишиларга, оилаларга ва уларнинг аъзоларига ижтимоий фаровонлик даражасини ошириш ва ижтимоий фаолиятини ривожлантириш орқали ёрдам беришдан иборат соҳа ва касбий фаолият тури эканлиги социологик асосланган;

«ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими негизида «маҳаллада ижтимоий хизмат» электрон модули фаолиятини ташкил этиш орқали маҳаллаларда давлат ижтимоий хизмати ҳамда ёрдамни кўрсатишда давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон ҳамкорлигини йўлга қўйилиши асослантилган;

фуқароларнинг муаммоларини комплекс ўрганиш ва уларга манзилли ёрдам бериш ишларида «темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари»ни «ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан ташкил этилишини йўлга қўйилиши асослантилган;

оилалар билан манзилли, индивидуал ва тизимли иш олиб боришни ташкил қилишда ижтимоий хизматлар (ёш оилаларга кўмак, пенсия ва нафақалар тайинлаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш) кўрсатиш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва натижадорлигини назорат қилишни таъминловчи маҳаллаларда «оилабай» ишлашни ташкил қилиш орқали эришилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

оила институти, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат соҳасидаги илмий социологик концепциялар, оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ва унинг турлари назарий-методологик асосларини ва асосий механизмлари очиб берилган;

Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг ишлаш тамойиллари, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган;

хорижда оиллага оид олиб борилаётган сиёсати ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимлари, Ўзбекистонда оила институти ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш асослари, шунингдек, оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ривожланиш истиқболлари очиб берилган;

Ўзбекистонда ўзгаришлар шароитида оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари ва усуллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган назарий ёндашувлар ижтимоий иш ва социология методологияларига таянган ҳолда татбиқ этилганлиги,

республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламларида, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли орасида ўтказилган репрезентатив танловга асосланган эмпирик социологик тадқиқот натижаларига таянилганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг тажриба-синов ишлари натижалари асосида ишлаб чиқилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамият тараққиётининг ҳозирги даврида ижтимоий ҳимоя тизимининг оилалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада оширишга қаратилган тизимли манзилли кўмак натижасида муҳтож оилалар ҳаётини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ўз ўзини банд қилиш, камбағалликни қисқартириш, ажримларнинг олдини олиш, фарзандлар таълимига эътибор қаратиш мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий тараққиётини таъминловчи янги мазмундаги асос эканлигига доир назарий ёндашувлар тақлиф этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ғоя ва материаллардан мамлакатимизда ижтимоий хизмат фаолиятини жадаллаштиришда, соҳага оид интенсив илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда, олий ўқув юрларида “Ижтимоий сиёсат асослари”, “Ижтимоий иш”, “Социология”, “Оила социологияси” фанлари ўқув дастурлари, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари (Анджон вилояти мисолида)” мавзуси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ижтимоий хизмат муайян шароитлар ва сабаблар туфайли юзага келган ҳаётий вазиятни мустақил равишда енгишга қодир бўлмаган, ёрдамга муҳтож кишиларга, оилаларга ва уларнинг аъзоларига ижтимоий фаровонлик даражасини ошириш ва ижтимоий фаолиятини ривожлантириш орқали ёрдам беришдан иборат соҳа ва касбий фаолият тури эканлиги социологик асосланганлигига оид тақлифидан Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги ПҚ-300-сон «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорининг а-бандини тайёрлашда фойдаланилган. . (Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг 2022 йил 28 ноябрдаги 02-12/1299-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини манзилли йўлга қўйиш орқали натижадорлигини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилган;

«ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими негизда «маҳаллада ижтимоий хизмат» электрон модули фаолиятини ташкил этиш орқали маҳаллаларда давлат ижтимоий хизмати ҳамда ёрдамни кўрсатишда давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро электрон ҳамкорлигини йўлга қўйилиши асослантирилганлигига оид таклифи Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги ПҚ-300-сон «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг 2022 йил 28 ноябрдаги 02-12/1299-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда ҳар бир ижтимоий хизматга муҳтож оилалар учун индивидуал режа ишлаб чиқишга хизмат қилган;

фуқароларнинг муаммоларини комплекс ўрганиш ва уларга манзилли ёрдам бериш ишларида «темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари»ни «ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан ташкил этилишини йўлга қўйилиши асослантирилганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги ПҚ-300-сон «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича ишлаб чиқилган «Йўл ҳаритаси»нинг 5-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йил 28 июндаги 02-09/934-сонли маълумотномаси). Натижада, «темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари»ни «ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан ташкил этилишини йўлга қўйилишига хизмат қилган;

оилалар билан манзилли, индивидуал ва тизимли иш олиб боришни ташкил қилишда ижтимоий хизматлар (ёш оилаларга қўмақ, пенсия ва нафақалар тайинлаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш) кўрсатиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва натижадорлигини назорат қилишни таъминловчи маҳаллаларда «оилабай» ишлашни ташкил қилиш орқали эришилиши асосланганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги ПҚ-300-сон «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори бўйича ишлаб чиқилган «Йўл ҳаритаси»нинг 5-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йил 28 ноябрдаги 02-09/934-сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда ижтимоий хизмат

кўрсатиш натижадорлигига эршишда «оилабай» ишлашни йўлга қўйишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ОАК тасарруфида 2 та хорижий, 4 та маҳаллий, 7 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шулардан 4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 141 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари аниқланган. Шунингдек, мазкур тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Оила ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ўрганишнинг назарий-методологик асослари” деб номланган 1-бобида оила ва оилавий муносабатларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурати, жамиятда оила ижтимоий институтининг ўрни ва аҳамияти, оила институти, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат соҳасидаги илмий-социологик концепциялар очиқ берилди, жамият ривожланиши баробарида ижтимоий ҳимоя хизматнинг дастлабки фаолият тури, кейинчалик эса ижтимоий институт сифатида дунёнинг аксарият давлатларида вужудга келиши, шаклланиши ва тарқалиши илмий асослаб берилди.

Имом Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий Имом ат-Термизий (тахминан 824-825 – 894-895 йиллар) нинг машҳур “*Сунани Термизий*” (“Жоме ат-Термизий”, “Саҳиҳи Термизий”) асарида¹² ги асосий ғоя жамият аъзоларининг илм эгаллаши, инсонпарварлиги, ўзаро хурмати, меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги, халоллиги ва поклиги каби қадриятларга бориб

¹² Сунани Термизий ҳадис тўплами таржимаси ҳақида маълумот <https://hadis.uz/page/sunani-termiziy>
12

тақалади. Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида¹³ги жамоадаги одамларнинг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари, ўзаро ёрдамни, яъни бугунги кунги ижтимоий муҳофазасини назарда тутди.

О. Конт (1798—1857) фикрича, оила жамиятнинг бирламчи асоси бўлиб, табиий инсоний муносабатлар натижасида вужудга келади ҳамда оила ўзида ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари акс эттиради¹³.

Структуравий-функционализм ёндашуви тарафдорлари (Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Р. Мертон, Т. Парсонс, Я. Щепаньский¹⁴ ва бошқалар) оиланинг ижтимоий ҳимояси унинг бажарилмаётган ёки суст бажарилган вазифаларни амалга ошириш (компенсация) мақсадида олиб борилиши лозим.

Н. Луманнинг фикрича, замонавий жамият турли хил маъно воқеъликларини келтириб чиқарадиган тизимлар тўпламидир. Ижтимоий тизимлар ўз-ўзини шакллантиради (автопойезис ғояси), ташқи дунё билан чегараларни ўрнатади ва доимий равишда қўйи тизимларга ажралиб туради. Оилалар ҳам шундай тизимларнинг намунаси бўлиб, тизимларнинг кўпайиши уларнинг ўзаро алоқаси натижасида таъминланади, фуқаролар ўртасидаги шахсий муносабатлар эса кейинчалик профессионал характердаги ижтимоий хизматларга айланиб, уларнинг сифати кафолатланади.¹⁵

Т. Парсонснинг назарида “ижтимоий хизматлар тизими” индивидларнинг ўзаро муносабатлар доирасида “яхлит ижтимоий тизим” сифатида вужудга келади. Натижада хизмат кўрсатиш маданияти ошади, кадрятлар, анъаналар ривожланади, хизмат кўрсатиш турлари шаклланади. Буларнинг барчаси ўз навбатида жамиятдаги миқдор ва сифатнинг ўзгаришига олиб келади.

Ю. Хабермас жамиятни инсонларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этиб, умумқабул қилинган ахлоқий қоидалар, нормалар кадрятларнинг ривожланиши натижасида, давлат ва жамият тараққий этиб, ўзгариб бораверади деб тушунган. Ижтимоий хизматлар тизими эса инсонларнинг ўзаро муносабатларининг маҳсулидир.

Ижтимоий хизматнинг ривожланиш тарихи шартли равишда уч босқични босиб ўтган. Биринчи босқичда ижтимоий хизмат ёки иш фаолият тури сифатида жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шаклланди. Иккинчи

¹³ Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти. 1993. 224-б. Имом ал-Бухорий . Ал - адеб -мудрид Т. Ўзбекистон, 1990, Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. 1991, Абу Райхон Беруний. Қадимги қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т. Фан, 1969. Фатрат. Оила ёки бошқаруш тартиблари. 2003. Т. VI. №2

¹³ Реале Д. Автисерв Д. Западная философия от истоков до наших дней. — Т.4: От романтизма до наших дней. — СПб., 1997. — С. 191.

¹⁴ Спенсер Г. Воспитание умственное, нравственное и физическое. Воспитание умственное, нравственное и физическое. — Санкт-Петербург: Типография Е.Г.Янгальского, 1877. — 366 стр.; Дюркгейм Эмиль. О разделении общественного труда. - М.: Канон, 1996. — 432 с.; Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - Москва, Хранитель, 2006. - 873 с.; Парсонс Т. О структуре социального действия. -М.: Академический Проект, 2000. - 880 с.; Щепанский Я. Элементарные понятия социологии. -М.: Прогресс, 1969.

¹⁵ Головин Н. А. Социология Н. Лумана — этап развития общей теории социальных систем // Социологические исследования — М.: Институт социологии РАН, 2014. — № 2. — С. 86—94.

босқичда, ижтимоий иш фан сифатида қарор топиб, институтлашув жараёни туфайли ХХ аср бошларидан бошлаб Шимолий Америка ва Европада қарор топиши билан кечди. Учинчи босқич ижтимоий хизматнинг фан ва фаолият тури сифатида бутун дунёда тарқалишида белгиланди.

“Ижтимоий хизматлар” тушунчасининг мазмуни маҳаллий ва хорижий амалиётда турлича талқин этилишидан келиб чиққан ҳолда уни иккита мезон асосида таърифлаш тақдим қилинган.

Ижтимоий хизматлар бу: қонунчилик ва ихтиёрий ижтимоий таъминот лойиҳалари асосида соғлиқ, қариш, бахтсиз ҳодисалар, ишсизлик, ногиронлик билан боғлиқ ижтимоий хавфларни қамраб олган турли воситалар билан ташкил этилган хизматлар; шахсга ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлашга ва жамият ҳаётига қўшилишига кўмак берадиган хизматлар¹⁶.

Диссертантнинг фикрича, ижтимоий хизмат муайян шароитлар ва сабаблар туфайли юзага келган ҳаётий вазиятни мустақил равишда енгишга қодир бўлмаган, ёрдамга муҳтож кишиларга, жумладан, oilаларга ва уларнинг аъзоларига ижтимоий фаровонлик даражасини ошириш ва ижтимоий фаолиятини ривожлантириш орқали ёрдам беришдан иборат соҳа ва касбий фаолият тури. Ижтимоий хизмат жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, соғлиқни сақлаш, маиший хизматлар мажмуи ҳисобланади. Шу билан биргаликда ижтимоий хизматларнинг таҳлили натижасида унинг ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маиший, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-тиббий, ижтимоий-психологик хизмат турлари таснифланди.

Диссертациянинг II боби “Ижтимоий хизмат тизими давлат оила сиёсатининг намоён бўлиш механизми сифатида” деб номланган бўлиб, унда АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, кейинги ўринларда Туркия ва Ўзбекистондаги оила сиёсати ва уни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимлари, оила институти, ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий асослари ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасининг ривожланиш истиқболлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди.

АҚШ да ижтимоий сиёсат фуқаронинг шахсий фаровонлиги учун асосий масъулият унинг зиммасида эканлигига (“Америка орзуси”) асосланади¹⁷. У ерда болали oilаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ягона тизими мавжуд бўлмасада, хайрия ташкилотлари, хусусий бизнес ва черков болали oilаларга ёрдам беришда катта рол ўйнаши билан ажралиб туради. Мамлакатда, штатларда ва жамоаларда кўплаб йирик ва кичик манзилли ижтимоий ёрдам дастурлари мавжуд. Ёрдам бериш шартлари сифатида 1) маълум даражадан паст бўлган даромад; 2) ота-оналардан бирининг йўқлиги ёки ишсизлиги намоён бўлади. Ёрдам нақд (имтиёзлар ва

¹⁶ The Social Protection Committee. “A voluntary European quality framework for social services SPC\2010\10\8”. P.3.

¹⁷ M.Barons. The social insurance system in the USA^ policies to protect workers and families. <https://www.brookings.edu/research/the-social-insurance-system-in-the-u-s-policies-to-protect-workers-and-families/>.

солиқ имтиёзлари) ва натура (хизматлар ва товарлар) кўринишида кўрсатилади.

Эҳтиёжни аниқлаш мезони сифатида ҳар йили АҚШ аҳолини рўйхатга олиш Бюроси томонидан эълон қилинадиган аҳолининг турли тоифалари учун қашшоқлик чегараси олинади.

Японияда ижтимоий таъминот тизими узоқ вақт бошланғич босқичида аҳоли асосан давлат ёрдамига эмас, балки онла аъзолари, кўшниллар, ўзини ўзи бошқариш органи, хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий ёрдамига таянганди. Урушдан кейинги демократик ислохотлар жараёнида ижтимоий таъминот муаммосига катта эътибор берилди, унинг концепцияси ва тегишли қонунчилик базаси ишлаб чиқилди¹⁸. Япония ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос устувор жиҳатлари сифатида аҳолини пенсия ва тиббий суғурта билан оммавий қамраб олиш каби жиҳатлари, айниқса, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ҳар хил турдаги ёрдам кўрсатишни мақсадли йўналтириш; бутун ижтимоий таъминот тизимини мамлакатдаги вазиятнинг ўзгаришига мос равишда доний равишда мослаштириш ва бу соҳадаги устувор вазифаларни белгилаш ҳисобланади.

Хитойда конфуцийлик ахлоқининг беш асосий устун сифатида яхшилик, тўғрилиқ, поклик, донолик ва ишонччилик каби фазилатлар белгилаб олинади ва амал қилинади. Хитой оиласида анъана ва янгилик бири-бири билан уйғунлашиб кетган. ХХР нинг пайдо бўлишидан бошлаб барча аҳоли деҳқонлар ва шахарликларга бўлиниб, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва имкониятлари тубдан фарқланган. 1980-1990 йилларда кенг қамровли иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда ижтимоий ҳимоя тизими ҳам иқтисодий вазифага мослаштирилди. Ғарб фаровонлик давлатларининг асосий институционал тузилмаларига эга бўлмаган Хитойда ижтимоий "ривожланаётган" фаровонлик тартиблари амал қилмоқда.

Жанубий Кореяда миллий гоа асосида ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар, онла, мактабгача таълимга алоҳида эътибор қараш гоялари сингдирилади. Бугунги кунда ўртача корейс оиласида умумий бюджетнинг 56 фоизи инсон капитали учун сарфланади. Корея Республикасининг Соғлиқни сақлаш ва Фаровонлик вазирлиги "Ижтимоий таъминот тўғрисида" ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ "бутун халқни турли хил ижтимоий муаммолардан ҳимоя қилиш ёки ижтимоий таъминотни амалга ошириш, бахтли умумий фаровонлик жамиятини рағбатлантириш мақсадида фаолият олиб боради.¹⁹ Даромадлари кам бюджетли оилалар учун зарур турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ойлик тўловлар, шунингдек, қутилмаган инқирозли даврда кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақалар, япаш харажатлари учун ва бошқа тўловлар тарзида ёрдам кўрсатилади. Ижтимоий таъминот тизими – аҳолининг барча қатламларига, жумладан, тиббий

¹⁸ Миршарьян С. Социальное обеспечение населения: опыт Японии. http://vesilievva.narod.ru/12_4_97.htm

¹⁹ Ко Ен Чоль. Социальное обеспечение населения и студентов в Южной Корее. Мвп. 2016. 167с. <http://www.mir-navka.com/jour/article/viewFile/304/308>

хизматни ололмаган аҳолининг ночор қатламларига давлат томонидан тиббий ёрдам кўрсатишни ҳам назарда тутати.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Мамлакатда оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосини ва ривожланиш йўналишини қуйидаги асосий ҳужжатлар ташкил этмоқда (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари

Номи	Қабул қилинган вақти
“Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжман қатламлари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2016 йил 26 декабрь (қонун номи ЎЗРнинг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ-770-сонли Қонуни таҳририда)
“Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2022 йил 17 май ЎРҚ – 770-сон
“Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва вуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони	2022 йил 1 март, ПФ-81-сон
“Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони	2022 йил 7 март, ПФ-87-сон
“2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармони	2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон
“Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарори	2020 йил 4 август, ПҚ-4797-сон
“Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарори	2022 йил 29 июнь, ПҚ-300-сон
“Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарори	2021 йил 25 март, ПҚ-5038-сон
“Зўриқ ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарори	2021 йил 19 май, ПҚ-5116-сон
“Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори	2021 йил 28 апрел, 248-сон

<p>“Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори</p>	<p>2021 йил 5 май, ВМ-122-сон</p>
<p>“Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож oilаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори</p>	<p>2021 йил 28 апрел, ВМ-250-сон</p>

Ислохотларнинг мангикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда қабул қилинган ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида «Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан етгита устувор йўналишдан иборат 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланиши белгиланди²⁰.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилгач, ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш; кам таъминланган oilаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш; «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш ҳамда «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш чора-тадбирлари режа асосида амалга оширишмоқда. Шу билан биргаликда 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилиши, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига айрим ўзгаришлар киритилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларга ёрдам бериш тизимини янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори²¹ га кўра, 2022 йил 1 июлдан аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатишнинг мажмуавий ёндашув тизими bosқичма-bosқич, ушбу тизим амалиётининг рақамлаштирилиши кетма-кетликда амалга оширилиши бошланди.


²⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 28.01.2022. ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>

²¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларга ёрдам бериш тизимини янги bosқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўратиб чиқариш янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-300-сон Қарори. 29.06.2022 йил. <https://lex.uz/docs/6086363>



Диссертациянинг 3-боби “Ўзбекистонда оилаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўллари” деб номланиб, унда Ўзбекистонда оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг ишлаш тамойиллари ва мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Ўзбекистонда 2021 ва 2022 йиллардаги қатор институционал ўзгаришлардан сўнг мазкур тизимнинг бугунги кундаги кўринишини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин (1-расм):



1-расм. Ижтимоий хизматларини тақдим этиш бўйича Ўзбекистон институционал тuzилмаси (2022 йил 1 июль ҳолатига)

